ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-3/3
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года

Хива-2023

Бош муҳаррир:
Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Бош муҳаррир ўринбосари:
Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир ҳайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.	*Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.*
Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.	*Рахимов Рахим Атажанович, т.ф.д., проф.*
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д.,проф.	*Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.*
Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д.,проф.	*Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.*
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.	*Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.*
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.	*Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.*
Бабаджанов Хушнут, ф.ф.н., проф.	*Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.*
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.	*Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.*
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.	*Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.*
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.	*Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.*
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.	*Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.*
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.	*Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик*
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.	*Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.*
Жуманиёзов Зохид Отабоевич, ф.ф.н., доц.	*Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.*
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.	*Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.*
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.	*Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.*
Каримов Улуғбек Темирбаевич, DSc	*Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.*
Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.	*Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.*
Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.	*Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.*
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.	*Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.*
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.	*Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.*
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.	*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.	*Худайберганова Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.*
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3/3 (99), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 165 б. – Босма нашрнинг электрон варианти - http://mamun.uz/uz/page/56

ISSN 2091-573 X
Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2023

Saidova M.U., Abdurakhmonova M.O. The factors in planning speaking activities in foreign language classess 113
Saidova M.U., Boboeva Z. The significance of communicative approach in teaching students of different ages 116
Saidova M.U., Saidkulova D.E. Til tizimlarini o'qitishda kommunikativ yondashuv 120
Sindorov R.U. Chet tili o`qitish metodikasida lingvomadaniyatshunoslikka oid til birliklaridan samarali foydalanish 125
Sobirova G.R. Talabalarning kasbiy auditiv layoqatini rivojlantirish bo'yicha xorij tajribalari 128
Sultanov B., Rustamova D. Boshlang'ich sinflarda asosiy miqdorlarni o'rgatishda ko'rgazmalilikning ahamiyati 130
Tosheva M.Yu. O`smirlarda stressga barqarorlikni ta`minlashning psixologik omillari 133
Turgunova M.T. The role of using authentic materials in efl teaching and learning 135
Xakimova D.M. Uzluksiz kasbiy ta'lim jarayonida o'qituvchi innovatsion salohiyatini rivojlantirishning psixologik-pedagogik ahamiyati 137
Zakirova Kh.A. Teaching language skills through authentic pictures in ESP classes 141
Алленова И.В. Цифровые технологии в организации самостоятельной работы студентов при обучении русскому языку в ВУЗе 144
Икрамова М.Ҳ. Бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий компетенциясини ривожлантириш миқдорий характеристикаси 146
Маруфов Э.У. Мустақил таълимда инглиз тили амалий фонетикасини ўрганишда ностандарт тестлардан фойдаланиш 149
Ташева У.Т. Особенности внедрения информационных технологий в организацию самостоятельной работы студентов при обучении русскому языку 152
Турсунбоева М.А. Нофилологик факультет талабаларининг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш муаммолари 154
Хамдамова В.А., Башинова С.Н., Кокорева О. Масофадан ўқитиш таълим тизимида фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар касбий сифатлари 157
Чориева Ф.Т. Лингводидактикада компетенция ва компетентлик категорияларини татбиқ этилишининг мазмуний тавсифи 159
Шарипова И.А. STEAM-образование как инновационная технология для обучения иностранным языкам 162
Абдалова С.Р. Таълим сифатини оширишдаги асосий вазифалар 164

- предоставьте примеры источников, включая энциклопедии, учебники или статьи в СМИ, и, если учащиеся определяют свои собственные источники, предоставьте учащимся инструменты для быстрого определения темы, уровня и актуальности текста.
- стратегии могут включать сканирование заголовков и подзаголовков, определение длины текста и понимание аудитории статьи (например, определение разницы между технической статьей в научном журнале и газетной статьей, предназначенной для широкой публики).

Шаг 4. Цикл представления информации

Описание: Подготовьте учащихся к языковым требованиям завершения проекта.

Советы по облегчению шага 4:

- Предоставьте подробный шаблон для конечного продукта и проинструктируйте учащихся об ожиданиях, таких как длина страницы, количество источников и структура отчета.
- Воспользуйтесь опытом учащихся в своих классах STEM, активировав свои знания в аналогичных проектах, которые они выполняли на английском языке.
- Предоставьте учащимся информацию, которая поможет им справиться с лингвистическими требованиями проекта.

Шаг 5. Оцените проект

Описание: Оцените учащихся по использованию ими языка, содержания и стратегий, использованных для выполнения проекта. В идеале каждый аспект проектной деятельности должен быть оценен. Также полезно получить обратную связь от учащихся об их опыте работы над проектом.

Советы для облегчения шага 5:

- Создайте форму (формы) оценки и обсудите критерии со студентами.
- Рассмотрите возможность оценки проектной деятельности на различных уровнях (например, самооценка учащихся и коллегиальные оценки, обратная связь учителя по предметной области).

Объединение содержания и изучения языка в единый проект дает учащимся опыт, который имитирует реальный опыт профессионалов, работающих на втором языке, и позволяет им сочетать цели изучения языка с изучением других областей содержания.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Brewster, J. (2004). Content-based language teaching: A way to keep students motivated and challenged? CATS: The IATEFL Young Learners SIG Publication. Retrieved on November 20, 2011 from http://associates.iatefl.org/pages/materials/ltskills22.doc.

2. S. Z. Rajabovna Peculiarities of Translating Technical Texts From Uzbek Into English*- European Journal of Research Development and …, 2022

3. З.Р. Шомуродова Синонимический ряд поля причинности в современном английском языке - … коллегия: Главный редактор (учредитель) ИП Всяких …, 2018

4. I.A. Sharipova Efficiency of interactive methods of teaching a professionally-orientedEnglish language for students of a technical university.// Theoretical & Applied Science,2019

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

С.Р. Абдалова, педагогика фанлари номзоди, доцент, Чирчиқ давлат педагогика университети, Чирчиқ.

Аннотация: *Ушбу мақолада бугунги кунда таълим сифатини ошириш йўлидаги муаммолар, уларни бартараф этиш ҳамда истиқболини белгилаш йўлидаги фикр ва мулоҳазалар, жумладан, ўқув дастурларни такомиллаштириш, ўқув машғулотларини лойиҳалаш, илмий тадқиқот ишларини давр талаблари асосида ташкил этиш, бу борада хориж тажрибаларидан фойдаланиш, таълим олувчиларнинг касбий сифатлари ҳамда мантиқий фикрлаш операцияларни ривожлантириш кабилар ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *фан ва техника, таълим, тарбия, ўқув дастури, давлат таълим стандарти, билим, кўникма, малака, компетенция, касбий сифат, мантиқий фикрлаш, метод, технология ва б.қ.*

Аннотация: *В статье раFссматриваются проблемы повышения качества образования, их решения и перспективы, в том числе совершенствование учебных программ, проектирование обучения, организация исследований в соответствии с требованиями времени, использование зарубежного опыта, профессиональные качества и развитие операций логического мышления и д.р.*

Ключевые слова: *наука, образование, воспитание, учебная программа, государственный образовательный стандарт, знания, умения, навыки, компетентность, профессиональное качество, логическое мышление, метод, технология и др.*

Abstract: *This article discusses the problems of improving the quality of education today, their solutions and perspectives, including the improvement of curricula, training design, organization of research in accordance with the requirements of the time, the use of foreign experience in this area, professional qualities and the development of logical thinking operations.*

Keywords: *science, education, upbringing, curriculum, state educational standard, knowledge, skills, qualifications, competence, professional quality, logical thinking, method, technology, etc.*

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида асосий вазифалар сифатидатаълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантиришучун зарур шарт-шароитлар яратиш,ўқув машғулотларини таълим олувчиларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол усулларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни таълим олувчиларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармонидаилм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқишга ҳамда таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларнинг илмий салоҳиятисамарадорлигини ошириш, натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, ўқувжараёнига янги вариатив таълим дастурларини, инновацион педагогик технологияларни жорий этиш орқали таълим муассасаларида ўқитиш сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган.

Албатта, республикамизнинг ҳар томонлама ривожланиши таълим сифатига боғлиқ. Бугунги кунда таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани таълим сифатини ошириш, илм-фаннинг энг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, касб-ҳунарли,мустақил фикрлайдиган, ташаббускор ва тадбиркор, ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ёшларни тайёрлаш вазифаларини амалга оширишни тақозо этади. Ушбу вазифаларни самарали ҳал этиш таълим жараёнидаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш ва истиқболларини белгилашни назарда тутади ҳамда мазкур жараённинг долзарблигини асослайди. Ушбу мақолада белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш келажакда албатта таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Асосий вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- педагогларнинг норматив ҳужжатларни юритилишини оптималлаштириш ҳамда ўқув дастурлари структурасини такомиллаштириш мақсадида махсус замонавий “Йўл харита”сини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- педагогларнинг норматив ҳужжатларни юритилишини оптималлаштириш ҳамда ўқув дастурлари структурасини такомиллаштириш мақсадида махсус замонавий “Йўл харита”сини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- фан ва соҳалардан келиб чиққан ҳолда фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттирган ўқув ва услубий қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш;

- ўқув жараёнини ташкил этиш, бошқариш, лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- лойиҳалаш ва модулларга ажратиш асосида мавзуларни муаммоли ўқитиш технологиялари ёрдамида таълим олувчиларга етказишусулларини такомиллаштириш;

- ўқув машғулотларини “Таҳлил-Муаммо-Ечим-Натижа (ТМЕН)” структурали кластер асосида ташкил этилишини йўлга қўйиш;

- педагогларнинг ўз устида ишлаш механизмларини такомиллаштириш;

- таълим олувчиларнинг касбий сифатлари (мустақиллик, ижодкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик) ҳамда фикрлашнинг алгоритмик усуллари (таҳлил қилиш, солиштириш, таққослаш, классификациялаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, амалиётга жорий этиш каби)ни ҳисобга олган ҳолда уларнинг малака талабларини ўзлаштирганлик даражаларини аниқловчи мезонлар ва кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;

- илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар фаолиятидаги турли муаммо, қийинчилик ва тўсиқларнинг олдини олиш мақсадида диссертация структурасини оптималлаштириш;

- таълим олувчиларнинг билимларини баҳолаш тизими такомиллаштириш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш келажакда таълим соҳасининг қуйидаги йўналишлари яхшиланишига олиб келади деб умид қиламиз ва бунга ишонамиз:

Биринчидан, республикамиз таълим соҳасида сифат ва самарадорликка эришилади. Педагогларнинг ўз фаолияти давомида юритадиган норматив ҳужжатлари (ўқув дастури ҳамда ўқув, календарь, тематик, шахсий иш ва рейтинг режалари) фақат махсус замонавий “Йўл харитаси”да ўз аксини топади. Масалан, физика ўқитувчисининг 2020-2021 ўқув йили учун “Йўл харитаси” деб ёзилади. Бунда педагогнинг иши анча енгиллашади, барча ҳужжатлар бир жойда жамланади. Турли ҳажмдаги ҳужжатларни кўтариб юришмайди.Ўқув дастури структураси қайта кўриб чиқилади. Унга ўқув жараёнини лойиҳалашкиритилади. Унга мустақил таълим боби киритилиб, барча мустақил таълим шакллари (семинар, лаборатория ва амалий ишлар каби) ўтказилади. Мазкур “Йўл харитаси” барча фанлар учун намуна сифатида ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади.

Иккинчидан, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш компетенциясини, мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадидафанлар ўртасидаги интеграцияни йўлга қўйишга йўналтирилган, педагог маърузаларини амалиёт билан боғлайдиган, фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг энг сўнгги ютуқлари, янгиликларини ўз ичига оладиган ўқув ва услубий қўлланмаларнинг янги авлоди яратилади. Ҳар бир ўтиладиган фан – ҳаёт, турмушдаги янгиликлар ва ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ўтилиши амалга оширилади. Албатта, бунда таълим олувчиларнингфанга бўлган мотивацияси, педагогга бўлган ҳурмати, келажакка бўлган ишончи ўсади ва такомиллашади.Фанлардан соҳалардан келиб чиқиб, масалан, физикабўйича: тиббиёт-физикаси, транспорт физикаси, енгил саноат-физикаси каби ўқув ва услубий қўлланмалар яратилади. Афсуски, бундай қўлланмалар бугунги кунда деярли йўқ.

Учинчидан, ўқув жараёнини ташкил этиш, бошқариш, лойиҳалаш ва моделлаштириш механизмларини такомиллаштирилади. Бу ўз навбатида ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, фанлардан ўтиладиган мавзуларлойиҳаланиб, модулларга ажратилиб, сўнгра муаммоли ўқитиш технологиялари асосида таълим олувчиларга етказилади. Мавзуни лойиҳалашниқуйидаги структура бўйича амалга ошириш таклиф этилади:

- умумий мақсадлар (давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мос ҳолда);
- педагог мақсадлари (таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи);
- ўқув мақсадлари соҳалари (когнитив, психомотор, аффектив)ни ўз ичига олган таълим олувчи мақсадлари;
- асосий вазифалар;
- ўқитиш шакли (жамоавий, гуруҳли, жуфтли);
- ўқитиш технологиялари (лойиҳалаш, модулли, муаммоли);
- интерфаол усуллар (ақлий ҳужум, кейс-стади, Т-схема, фаоллаштирувчи саволлар ва б.қ.);
- ўқитиш воситалари (машғулот, педагог ва таълим олувчилар учун);
- ўқитиш жойи (жиҳозланган, компьютерли аудиториялар);
- топшириқ турлари (оғзаки, ёзма ва тест);
- назорат турлари (кузатиш);
- баҳолаш турлари (яхши ўзлаштирган, ўртача ўзлаштирган, паст ўзлаштирган);
- дарс босқичлари (ташкилий, асосий, якуний);
- мустаҳкамлаш;
- уйга вазифа.

Бешинчидан, ўқув машғулотларини "Таҳлил-Муаммо-Ечим-Натижа (ТМЕН)" структурали кластерасосида ташкил этиш таклиф этилади. Бунда педагог ўз фанидан келиб чиқиб, мавзу бўйича таҳлилий маълумотларни беради, долзарблигини асослайди, муаммоларни аниқлайди, уларнинг ечимини тушунтиради, қандай натижалар олинишини кўрсатиб беради. Шундагина дарс таълим олувчи учун қизиқарли бўлади.

Олтинчидан, педагогларнинг ўз устида ишлаш механизмларини такомиллаштирилади, уларнинг ортиқча ишлар билан банд бўлиб қолиши олди олинади. Педагогнинг касбий билимдонлиги ва қобилиятимезонлари (ижтимоий, услубий, ихтисослик, билиш, тушунтира олиш, кузатувчанлик, нутқ, ташкилотчилик, ташаббускорлик, келажакни кўра билиш каби қобилиятлари)ни аниқлаш механизмлари такомиллаштирилади ҳамда унинг мониторингги олиб борилади.

Еттинчидан, таълим олувчиларнинг малака талабларини ўзлаштирганлик даражаларини аниқловчи мезонлар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилади ҳамда бунда уларнинг касбий сифатлари (мустақиллик, ижодкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик) ҳамда фикрлашнинг алгоритмик усуллари (таҳлил қилиш, солиштириш, таққослаш, классификациялаш, умумлаштириш, асослаш, хулоса чиқариш, амалиётга жорий этиш) каби омилларга алоҳида эътиборни қаратилади.

Саккизинчидан, илмий- тадқиот ишлари билан шуғулланувчилар ишини енгиллаштириш мақсадида диссертация структурасини оптималлаштириш таклиф этилади. Натижада, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар фаолиятидаги муаммо, қийинчилик ва тўсиқлар олиб ташланади. Бунда диссертация структураси қуйидагича бўлади:

1. Тадқиқот ишининг таҳлили.
2. Таҳлил асосида аниқланган муаммолар.
3. Муаммони ечишга қаратилан мақсад ва вазифалар.
4. Мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган метод, технология ва воситалар.
5. Тадқиқотнинг илмий янгилиги.
6. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.
7. Олинган натижалар ва уларнинг амалиётга тадбиғи.
8. Илмий хулосалар ва таклифлар.

Шу билан бир қаторда фойдаланилган адабиётлар рўйхатига 10-15 йил деб чегара қўйиш бекор қилинади. Чунки, бугунги кунда барча соҳалар бўйича, айниқса, педагогика соҳасида алломаларимизнинг, буюк мутафаккурларимизнинг ўз замонларида амалга оширган ишларидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ.

Тўққизинчидан, таълим олувчиларнинг билимларини баҳолашда барча баҳолаш тизимларидан воз кечиб “яхши ўзлаштирган, ўртача ўзлаштирган, паст ўзлаштирган” тизимни киритиш таклиф этилади (Изоҳ: аъло бу идеал тушунча. 2 баҳо қўйиш ёки ўзлаштирмади дейиш нотўғри, чунки биз мактабгача таълимда, умумий ўрта таълимда, профтаълимда, қолаверса олий таълимда болани шунча йиллар нимага ўқитдик).

Юқоридаги вазифаларни самарали ҳал этишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Уларни қўллаш, аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришни талаб этади. Чунки, уни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай технология кутилган самарани бермайди.Таълим сифатининг ошиб бориши машғулот жараёнида қўлланилаётган инновацион педагогик технологияларни турли йўналиш ва мақсадларда қўлланилаётганлигига боғлиқ.

Бу технология ҳар томонлама пухта ўйланган педагогик лойиҳалаштириш, таълим жараёнини ташкил қилиш ва албатта талаба ҳамда педагог учун қулай шарт-шароит яратиш орқали хамжиҳатликда ишлаб чиқилганмоделдир.Бу технологиянинг асосийлари сифатида лойиҳалаш, модулли ва муаммоли ўқитиш технологияларини олиш мумкин.Лойиҳалаш ва модулли ўқитиш технологиялари ўқув жараёнида “воситачи” технология сифатида иштирок этади. Билимларни таълим олувчиларга бериш учун эса муаммоли ўқитиш технологияларидан фойдаланилади. Буни тўғри тушунишимиз лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муаммоли ўқитиш технологиялари таълим олувчи фаолиятини фаоллаштиришда, ижодий тафаккур ва кобилиятни ўстиришда, билимлардан амалий фаолиятда самарали фойдаланишда, муаммоларни еча билишда, мустақил изланишга ўргатишда, эгалланган янги билимлардан келажакдаги вазиятларда унумли фойдаланишда муҳим. Муаммоли ўқитиш усуллари сифатида: тадқиқотчилик, ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган эвристик ва муаммоли вазиятлар яратиш усуллари кўриб чиқилади. Натижада ўқув-билиш компетенцияларининг ижодий ўзлаштирилиши ва ривожланишига эришилади.

Эвристик технологияда таълим олувчида ижодкорлик, янгилик яратиш қобилиятини ривожлантириш ғояси етакчилик қилади.Аниқроғи, эвристик технология негизини савол-жавоб шаклидаги суҳбатлар ташкил этиб, бунда педагог таълим олувчиларга тайёр билимларни бермай, балки уларнинг аввал эгаллаган билимлари, ҳаётий тажрибалари, кузатишларига таянган ҳолда, оқилона саволлар орқали уларга янги тушунчалар, хулоса ва қоидаларни ўзлари кашф қилишларига шароит яратади.

Шундай қилиб, таълим сифатини ошириш келажакда таълим олувчилар эгаллаган янги билимларидан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олиш, таълим муаммоларини еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, вазифаларни таҳлил қилиш каби имкониятларини очиб беришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармони.

3. Мавлянов А., ва б.қ.лар. “Илғор педагогик технология бўйича ўқув машғулотини лойиҳалаш”. Замонавий таълим. 2016. №2. Б.25-29.

4. Мавлянов А., ва б.қ.лар. Ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. Тафаккур бўстони нашриёти. Тошкент, 2013. 142 б.

5. Мавлянов А., ва б.қ.лар. Педагогик технология тамойиллари асосида машғулот машғулотларини олиб бориш технологияси. Ўқув-услубий қўлланма. - Тошкент: Ворис, 2010. - 117 б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

№3/3 (99)
2023 й., март

Ўзбекча матн муҳаррири:	Рўзметов Дилшод
Русча матн муҳаррири:	Ҳасанов Шодлик
Инглизча матн муҳаррири:	Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Мусаҳҳиҳ:	Ўрозбоев Абдулла
Техник муҳаррир:	Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувохнома № 13-023

Теришга берилди: 06.03.2023
Босишга рухсат этилди: 14.03.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 10,0 б.т. Буюртма: № 3-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru
(+998) 97-458-28-18